АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ
АҚШ ЭЛЧИХОНАСИ, ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН

ГРИН КАРД ДАСТУРИ БЎЙИЧА ИММИГРАЦИОН ВИЗА ОЛИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎРИҚНОМАСИ

Ҳар бир мурожаатчи суҳбатига қуйидаги ҳужжатларни олиб келиши талаб этилади. Бу ҳужжатларни олиб келмаслик, виза олиш жараёнининг кечикишига ёки вақтинчалик рад жавоби берилишига олиб келади.

КОНСУЛЛИК БЎЛИМИ БИЛАН БОҒЛАНИШ БЎЙИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Суҳбатга тайёрланиш саволлари бўйича иммиграцион бўлими билан +998 71 140 2217 телефон рақами орқали душанба ва чоршанба кунлари соат 13.00 дан 16.00 гача мурожаат этиш мумкин. Электрон почта орқали саволларни қуйидаги манзилга юборинг: TashkentIV@state.gov. Шуни эътиборга олингки, бизнинг электрон почтамизга юборилган саволлар уч иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

ҲУЖЖАТЛАР ТАРЖИМАСИ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Ҳар қандай Инглиз тилида бўлмаган ҳужжатлар, тўлиқ Инглиз тилидаги таржимаси билан биргаликда бўлиши шарт. Таржимон ўз таржимасининг тўғрилигини ва малакали таржимон эканлигини муҳрланган кўрсатма билан бириктириши лозим. **ҲУЖЖАТЛАРНИ НОТАРИУС ОРҚАЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ.**

АҚШДАГИ МАНЗИЛНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАЛАБИ

Агар мурожаатчилар биринчи пакет билан юборилган, DS-230 анкетасида АҚШдаги манзилни кўрсатишмаган бўлишса, бу ҳолда, мурожаатчилар иммиграцион суҳбат кунида уни тақдим этишлари лозим. АҚШдаги шахс, манзил ва телефон рақамни Times New Roman ва 11 ўлчамли шрифтни белгилаб, бир варақ қоғозда **босмадан чиқариш** керак бўлади. Биз манзилни ҳар бир оила аъзоларингизнинг анкеталарига бириктиришимиз учун, уни сиз билан бирга мурожаат этувчилар соннига тенг равишда тайёрланг.

ИММИГРАЦИОН СУҲБАТ ЎТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

АМАЛ ҚИЛУВЧИ ПАСПОРТ

Паспортлар чет элга чиқиш рухсатномасига эга бўлиши ва паспортнинг амал қилиш муддати иммиграцион визангизнинг амал қилиш муддатидан камида 60 кунга ортиқ бўлиши шарт. Иммиграцион визалар одатда олти ой амал қилиш муддатига эга бўлади.

Шуни инобатга олингки, агар фарзандлар ўз паспортларига эга бўлмасалар,уларнинг исм-шарифлари ва чет давлатга чиқиш рухсатномалари ота-онанинг паспортига киритилган бўлиши шарт. Ҳар бир мурожаатчи паспортнинг асли ва унинг расмли бетининг нусхасини тақдим этиши шарт. DV фарзандлари учун, мурожаатчи паспортида фарзандларининг расм, исм-шарифлари ва чет давлатга чиқиш рухсатномалари (Ўзбекистон фуқаролари учун олдинги ОВИР) кўрсатилган бетининг нусхасини тақдим этиши керак;

ФОТОСУРАТ

Ҳар бир мурожаатчи учун икки дона фотосурат 5см х 5см ҳажмда, оқ фонда. Бирор усул билан ўзгартирилган ёки тузатилган фотосуратлар қабул қилинмайди;

ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА

Ҳар бир мурожаатчи учун туғилганлик ҳақида гувоҳноманинг асли, нусхаси ва бириктирилган таржимаси билан тақдим қилиниши керак. Агар мурожаатчида авваллари исм ёки шариф ўзгартирилган бўлса, мурожаатчи суд ёки Фуқаролик Ҳолати Далолатномаларини Ёзиш (ФҲДЁ) органи томонидан берилган, исм ёки шариф ўзгартирилганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат тақдим қилиши лозим. Исм ёки шарифлари ФҲДЁ орқали ўзгартирилган мурожаатчилар Далолатнома Ёзувидан Кўчирма тақдим қилишлари шарт.

НИКОҲ ТУЗИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА

Никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг асли, нусхаси ва бириктирилган таржимаси билан тақдим қилиниши керак. Асосий мурожаатчининг турмуш ўртоғига ҳам алоҳида нусхаси ва таржимаси билан талаб этилади.

АЖРАШГАНЛИК/ВАФОТ ЭТГАНЛИГИ ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА

Ажрашганлик/Вафот этганлиги ҳақида гувоҳнома мурожаатчининг ҳар бир олдинги турмушидан Фуқаролик Ҳолати Далолатномаларини Ёзиш (ФҲДЁ) органи томонидан берилган ёки суднинг никоҳ бекор қилинганлик тўғрисидаги қарори асли, нусхаси ва бириктирилган таржимаси билан тақдим қилиниши керак.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАЙДНОМА ЁКИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ГУВОҲНОМАСИ

Ҳарбий хизмат гувоҳномаси асли, нусхаси ва бириктирилган таржимаси билан тақдим қилиниши керак.

16 ёшдан катта бўлган шахслар ҳарбий хизмат гувоҳномасини тақдим қилишдан озод этиладилар, кимки:
- мажбурий ҳарбий хизматни ўтамаган ёки сафарбарлик чақирув резерви (СЧР) йиғимида қатнашмаган
- ҳарбий тайёргарлик курсини тугалламаган, қайсики олий ўқув юртларида академик ўқув режасининг бир қисми ҳисобланиб, ёки
- айни пайтда олий ўқув юртларида тўлиқ таълим олаётган.

Аммо бундай шахслар чақирув участкасида қайд этиш гувоҳномасининг асли, нусхаси ва бириктирилган таржимасини тақдим қилишлари талаб этилади.

СУДЛАНМАГАНЛИК ЁКИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАНЛИК ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТНОМА

Судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотнома, шахс 16 ёшга тўлгандан кейинги, ҳар бир 1 йилдан кўпроқ яшаган жойидан, бунга ўталган ҳарбий хизмат даври ҳам киради, нусхаси ва бириктирилган таржимаси билан тақдим қилиниши керак. Масалан, Совет Армияси сафида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида, Россия, Германия, Украина ва бошқа давлатларда хизмат қилган шахслар ўша давлатдан судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотномани тақдим қилишлари шарт. Учинчи давлатдан судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотномага мурожаат этиш жараёни тўғрисидаги қўшимча маълумотлар учун, Сиз қуйидаги интернет саҳифасида келтирилган давлатлар рўйхатидан керакли давлатни танлаб, шу давлат ҳужжатлари ҳақидаги маълумот билан танишиб чиқишингиз мумкин: http://www.travel.state.gov/visa/fees/fees_3272.html.

Ўзбекистондан судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотномани олиш учун, мурожаатчилар Ўзбекистон Ички Ишлар

Вазирлигининг Республика ёки Вилоят Маълумот Марказиларига мурожаат этишлари керак. Республика Маълумот Маркази Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Юнус Ражабий кўчаси, 1 уй манзили бўйича жойлашган.

Ўзбекистон ҳудудида ҳибсга олинган ёки жиноий жазога ҳукм қилинган шахслар, виза жараёнида кечикишларнинг олдини олиш учун, жиноий ишлари батафсил кўрсатилган жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотномани ва унга таалуқли бўлган судга оид ҳужжатларни олишлари шарт. Бу маълумотнома ҳатто мурожаатчи ҳукумат органлари томонидан жавобгарликдан озод қилинган, судланганлиги олиб ташланган ёки амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинган бўлса ҳам талаб этилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида истиқомат қилувчи мурожаатчилар Ўзбекистондан судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотномани олиш учун улар вақтинчалик истиқомат қилаётган давлатдаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасига мурожаат этишлари мумкин.

Маълумотномада 16 ёшга тўлгандан кейинги барча қўлланилган исм-шарифлар (қизлик фамилия ҳам) кўрсатилиши ва бу маълумотнома охирги 6 ой мобайнида берилган бўлиши шарт.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДА ЎТАГАН ШАХСЛАРГА МУҲИМ МАЪЛУМОТ!

Мудофаа Вазирлигининг чет давлатда ўталган ҳарбий хизмат мобайнидаги судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳакидаги маълумотномаси, у давлатнинг судланмаганлик ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳақидаги маълумотномаси ўрнини ўтамайди.

ТИББИЙ ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИ

Мурожаатчилар Элчихона тайинлаган Тошкент Халқаро Клиникасида (TIMC) тиббий текширувдан ўтишлари талаб этилади. Клиникада мурожаатчига тиббий текширув натижалари ёпиқ конвертда берилади. Мурожаатчилар ушбу ёпиқ конвертни суҳбат кунлари тақдим этишлари шарт. Шунингдек, мурожаатчилар тиббий текширув пайтида ўз эмлаш варақаларидан кўчирма тақдим этишлари шарт.

ЎҚУВ ТАЪЛИМИ ҲУЖЖАТЛАРИ

Барча таълим олинган билим юртлардан дипломлар ва диплом иловаси (фақатгина асосий мурожаатчи учун) асли, нусхаси ва бириктирилган таржимаси билан тақдим қилиниши керак.
Қисқа муддатли курслар (масалан: тикувчилик, ҳайдовчилик, пишириқ, бухгалтерия курслари) тамомлаганлик ҳақидаги дипломлар ёки сертификатлар талаб қилинмайди.

Эслатиб ўтамиз, Грин Кард дастури бўйича иммиграцион визани олиш учун асосий мурожаатчи АҚШдаги ўрта таълимга тенг бўлган ўрта маълумотга эга бўлиши керак.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ

Асосий мурожаатчининг меҳнат дафтарчаси асли, нусхаси ва бириктирилган таржимаси билан тақдим қилиниши керак.

МАЪМУРИЙ ТЎЛОВ

Ҳар бир мурожаатчи 819 АҚШ Доллари миқдорида маъмурий тўлов тўлаши шарт. Бу тўлов мурожаатчининг суҳбат кунида Элчихона ҳудудида, Консуллик Бўлими ғазначиси орқалии фақатгина АҚШ долларида тўланиши мумкин.

ФИРИБГАРЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИШ

Грин Кард дастури бўйича иммиграцион виза мурожаатчиларига ўз «виза хизматлари»ни таклиф қиладиган шахслар ёки воситачилар билан ҳамкорлик қилишни тавсия этилмайди. Бу каби шахслар виза олиш кафолатини бериб катта миқдорда пул ундиришади. Бундай шахсларнинг хизматлари, Элчихонанинг мурожаатчини виза олиш мувофиқлиги қарорига ҳеч қандай таъсир қила олмайди. Агар Сизда маълумотлар мавжуд бўлса ёки саволлар туғилса, Консуллик Бўлими билан электрон почта TashkentIV@state.gov ёки душанба ва чоршанба кунлари соат 13.00 дан 16.00 гача +998 71 140 2217 телефон рақами орқали боғланишингизни сўраймиз. АҚШ Эчихонасига тақдим қилинган ҳар қандай маълумот сир тутилади.